



## МУНОСАБАТ

# ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ ДАСТУРИ



Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси барча жабҳаларда улкан ўзгаришларга ундайдиган дастурий ҳужжат бўлди. Таниқли халқаро арбоб, иқтисодий ривожланиш ва самарали бошқарув соҳасида тан олинган Буюк Британиялик мутахассис Сума Чакрабарти фикрича, “ушбу маъруза Ўзбекистон маъмуриятидаги давлат бошқаруви ислоҳотининг биринчи, чинакам чуқур туб бурилишни белгилловчи мурожаат бўлди”.

— Белгиланган дастур, — дейди у, — иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар учун муҳим аҳамият касб этади.

\*\*\*

Ўтган йилларда Ўзбекистон ривожланиши моделида туб ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизда янги сиёсий ва ижтимоий муҳит яратилди. Инсонларда дахлдорлик ва масъулият ҳисси тобора кучайиб бормоқда.

Чуқур тизимли ислохотларни бошидан кечираётган давлатларда одатда иқтисодий ўсиш кузатилади. Аммо Ўзбекистон амалиётида кенг қўлланма сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида, яъни 2017-2021 йиллар мобайнида мамлакат ялли ички маҳсулоти 53 миллиард доллардан 82 миллиард долларгача кўпайди. Айтиш мумкин, шунинг билан бирга, жамиятимиз модернизациясининг фақат дастлабки вазифалари бажарилди. Ислохотларнинг кейинги босқичи, шубҳасиз, янада мураккаб, фундаментал сиёсий ва иқтисодий ислохотларни илгари суриш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак”.

▶ Давоми 2-бетда

## ТАЖРИБА

# ВАЗИР МАОШИ, ДИПЛОМАТ ДАХЛСИЗЛИГИ ВА ИМПЕРАТОР МАҚОМИ

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққо ягона тўғри йўли эканини таъкидлаб, келгуси 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном беришни таклиф қилди. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия устуворлик касб этмоқда. Жумладан, Мурожаатномада “2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз”, дея билдирилган ташаббус бугунги куннинг ҳаёт-мамонт масаласидир.



Фаргона вилояти делегациясининг 5-11 декабрь кунлари Японияга амалий таълим дастурининг бир оз чекиниб, кунчиқар юрт таълим тизимини ўрганиш, мактаблар фаолияти билан яқиндан танишиш учун Токио шаҳри таркибидagi Сугинами маъмурий ҳудудда жойлашган Фужимигаока мактабида бўлди.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлмиш Япониянинг бу даражага эришишида, шубҳасиз, таълимнинг ўрни беқиёс. Ўзбек медиаконидида япон таълими ҳақида сўз кетганда, Япония собиқ бош вазири Синдзо Абэнинг “Биз ўқитувчиларга ва зирнинг маошини, дипломатнинг дахл-сизлигини ва императорнинг мақоми бериш”, деган сўзлари иқтибос сифатида кўп келтирилади. Фужимигаока мактабида бўлганимизда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1947 йилда маориф соҳасида бошланган инқилобий ислохотлар натижасида воқеликка айланган “япон мўъжизаси”нинг сирини англашга уриндик.

▶ Давоми 3-бетда

## КУН МАВЗУСИ

# ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ Ушбу тамойилнинг асосий моҳияти нимада?

Мамлакатимизда давлат бошқарувини модернизация қилиш бўйича кўп йиллар янги механизмлар жорий этилиб, жамиятнинг барча соҳаларини илғор демократик мезонлар асосида ислоҳ этиш бўйича стратегик вазифалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатнома йўллаш институти ҳам давлат ва жамият имкониятларини ягона мақсадга жиқлаштиришда ўзига хос таянч вазифасини ўтамоқда. Нафақат парламент аъзолари, ҳукумат ва вазирликлар, балки касби ва қизиқишидан қатъи назар, барча юрдошларимиз Президент Мурожаатномасини кутадиган, қизиқиб тинглайдиган бўлди.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига бу йилги Мурожаатномасида ҳам 2022 йилда амалга

оширилган ишлар ва келгуси йилдаги долзарб вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Мурожаатномани тинглаб эканмиз, мамлакатимиз сиёсатининг бош мезони — “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилни рўёбга чиқариш, инсон манфаатлари ҳар нарсадан устунлиги ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши асосий вазифа эканини англашимиз мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

# ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ КАФОЛАТИ



▶ 4-бетдан қаранг

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# “АҚЛЛИ БОҒЧА”ДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСУЛИ фарзандларимиз бахтли келажакига хизмат қилади



Бугун Янги Ўзбекистонда маънавият ва маърифат, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш борасидаги ишлар жадал суръатда давом этмоқда. Шунга яраша ёшларнинг билими, савияси ва ижодкорлик салоҳияти ҳам юксалмоқда. Таълимнинг ҳам, тарбиянинг ҳам ўз муддаоси бор. Биринчи оғосида бошланган инқилобий ислохотлар натижасида воқеликка айланган “япон мўъжизаси”нинг сирини англашга уриндик.

▶ Давоми 5-бетда

## ТАФАККУР САРҲАДЛАРИ

# КИТОБХОНЛИКДАН МАҚСАД ЭРТАНГИ АВЛОД КАМОЛОТИ

Энг содиқ дўст — китоб билан яқинлашиш ёшларимизга бугун ҳар қачонгидан-да зарур. Зеро, айтиш мумкин, таъсир доираси жуда кенг ва кучли бўлган, замонавий технологияларга асосланган медиаконда китобнинг ўлмас бойлик, беиннат маслаҳатгўй эканини улар чуқур англаши шарт. Китобхонлик масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда нафақат ёшлар, балки мутолаадан анча йироқлашиб қолган катта авлод вакиллари ҳам бунга жиддий ёндашиши керак.

Таниқли шоир, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири ўринбосари Азиз САИД билан суҳбатимиз мамлакатимизда китобхонликка қаратилаётган эътибор, мутолаа маданиятини ошириш доирасидаги ишлар, китобхонликни рағбатлантириш масалалари хусусида бўлди.

▶ Давоми 6-бетда

## МУНОСАБАТ

# ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ ДАСТУРИ

**Содиқ САФОЕВ,  
Олий Мажлис Сенати  
Раисининг биринчи ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

\*\*\*

Тараққиёт, биринчи навбатда, маъмурий ислохотларни, ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтишни талаб қилади.

Давлат бошқаруви тизими самардорлигини ошириш ҳар бир давлат олдида турган муаммо ва ўзгариб бораётган янги шароитга мосланишни талаб қилади.

Мамлакатимиз каби чуқур ислохотларни бошидан кечираётган давлатларда ушбу жараён давлат ҳокимияти ва бошқаруви тамойиллари ўзгаришини талаб қилади.

Яъни маъмурий ислохотлар нафақат вазирилик ва идоралар ҳамда давлат хизматчилари сонини қисқартиришни аниқлатади. Масала чуқурроқ — гап барча даражадаги ҳукумат органларининг ўрни ва аҳамиятини, вазифалари, функциялари ва миссиясини тубдан қайта кўришдан иборат. Айнан шу “кўл бошқаруви”дан аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш жараёнининг мазмун-моҳиятини аниқлатади.

Бошқарув тизимини экстенсив эмас, балки интенсив ривожлантиришни таъминлаш асосий мақсаддир. Бошқача айтганда, маъмурий менежментнинг янги шакллари, воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш ҳисобига у кам ҳодимлар билан кўпроқ вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Шу муносабат билан давлат хизмати механизмига электрон ҳукуматни тўла жорий этишни жадлаштириш долзарб масала.

Давлат хизмати органлари фаолияти проактив, яъни муаммолар келиб чиқишининг олдини оладиган стратегия



мақсадларга эришишга йўналтирилган ташаббусли бўлиши керак.

Бошқарув тизимини слоҳ қилиш давлат органлари фаолиятини баҳолашга ёндашувни тубдан ўзгариштиришни талаб қилади. Инсон ҳаёти даражасидаги реал тенденциялар, аҳоли ва бизнесга юқори сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатилиши, барқарор инсон тараққиётига эришиш, динамик иқтисодий фаолият учун зарур бўлган қўл ҳуқуқий, институционал муҳит яратиш давлат органлари фаолияти самардорлигининг индикаторлари бўлиши лозим. Макроиқтисодий индикаторлар эмас, балки одамлар ҳаёти сифати иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичлари бўлиши лозимлиги эътироф этилиши зарур.

Бунинг асосини давлат идоралари ходимларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, ҳулқ-атвор кодексини белгилаб берадиган давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ташкил қилиши керак. Унда номзодларни танлаш тизими принципларини, ўқиш ва малака оширишга қўйиладиган талабларни, хизмат пиллаполярлари бўйлаб кўтарилиш тартиби ва изчиллигини

муштаҳкамлаб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиб, давлат хизматчиларини таснифлаш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишда изчил иш олиб боришни таъминлайдиган кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Барча даражаларда давлат органлари фаолияти самардорлигини баҳолаш ҳукумат институтларининг ўз “ички иши” эмас. У ёки бу масала бўйича қарор лойиҳасини тузишдан унинг ижроси мониторингини олиб боришга — барча бошқарув ва даражаларда очиқлик, ошқоралик, транспарентлик, ижтимоий экспертиза ва фуқаролик жамияти назорати лозим.

Аҳолининг ҳуқуқий билимининг ошириш ҳам унинг ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши учун жуда муҳимдир.

\*\*\*

Ватанимиз атроф-теварагида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқро майдонда миллий манфаатларимизни илгари суриш учун қўлай ташқи муҳит яратиш барқарор тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири.

Бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Халқро муносабатларда ўзаро ишонч камайиши, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиси барқарорлик ҳамда ривожланишга жиддий хавф солмоқда. Ер юзиде климатнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиб бориши билан боғлиқ муаммолар глобал хатарларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланмоқда, мамлакатимизнинг халқро нуфузи торабора ортиб бораётган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган янгилашган ташқи сиёсатнинг муваффақиятли амалга оширилиши тўғрисида Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошириб борилишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда қабул қилинган қонунлар натижасида 2023 йилдан қўллаб қўйиладиган ижтимоий фаровонлиги ошишига замин яратилади.

Жумладан, Президентимиз жорий йил 19 сентябрда имзолаган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонунга асосан, ёшга доир, ноғиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини

шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш каби нормалар киритилиши ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга муҳим асос бўлади, дейиш мумкин.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошириб борилишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда қабул қилинган қонунлар натижасида 2023 йилдан қўллаб қўйиладиган ижтимоий фаровонлиги ошишига замин яратилади.

Жумладан, Президентимиз жорий йил 19 сентябрда имзолаган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонунга асосан, ёшга доир, ноғиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини

шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш каби нормалар киритилиши ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга муҳим асос бўлади, дейиш мумкин.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошириб борилишини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу йўналишда қабул қилинган қонунлар натижасида 2023 йилдан қўллаб қўйиладиган ижтимоий фаровонлиги ошишига замин яратилади.

**“ ТАРАҚҚИЁТ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ, ИХЧАМ ВА САМАРАЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИГА ЎТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАР БИР ДАВЛАТ ОЛДИДА ТУРГАН МУАММО ВА ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН ЯНГИ ШАРОИТГА МОСЛАНИШНИ АНИҚЛАТАДИ.**

вий давлат мақоми ишонч билан қўлга киритаётганини аққол намоён этди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ташқи сиёсати фалсафасини, муштаҳкам тамойилларга асосланган ишончли ва фаол дипломатияни изчил қўллаш учун стратегик масъулиятни қайта аниқлаб олиш заруратини таъқозо этади.

Ўзбекистон учун бу, биринчи навбатда, янги глобал ва минтақавий воқеликни ҳамда қўлга киритилган янги мақомни ҳисобга олган ҳолда, ташқи сиёсатни жиддий ва тизимли қайта кўриб чиқиш лозимлигини аниқлатади. Ташқи сиёсат мақсадларига эришишнинг инновацион механизмларини аниқлаш, хатар ва дивидендларни ҳисоблаб чиқиш, тезкор ўзгариш ва жавоб чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, биринчидан, Ўзбекистон дипломатиясининг фундаментал принциплари, бош мақсадлари, асосий вазифалари ва устувор йўналишларини, шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини белгилаб берувчи янгилашган ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакат ташқи сиёсатини диверсификация қилиш, яъни истиқболли ҳамкорлар ва дипломатия йўналишларини излаш зарур. Ўзбек дипломатиясининг кейинги йилларда Шарқ ва Жанубга мўлжалланган стратегия

бурилиши ўзгариб бораётган дунё воқеликларини ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига тўла мос келади.

Марказий Осиёда фаол минтақавий сиёсатни изчил давом эттириш, МДХ маконидеги аънавий ҳамкорлар ва саноати ривожланган етакчи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлигини шубҳа остига қўймасдан, аини пайтда Ўзбекистоннинг халқро муносабатлар тизимидеги ўрнига нисбатан янги қараш, янги ёндашувлар ишлаб чиқиш вақти келди. Биз дунёнинг кўп қиррали Шарқи ва Жануби билан ҳамкорлик қилишни ўрганишимиз зарур. Гап, авваламбор, Шимолий Африкани ўз ичига олган Катта Яқин Шарқ, шунингдек, Жануби-шарқий Осиё ҳақида кетмоқда. Ўзбекистоннинг Қўшилмаслик ҳаракати доирасидаги сиёсий-дипломатик фаолияти фаоллашгани ҳам миллий манфаатларимизга жавоб беради.

Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Бунда гап нафақат минтақада эришилган ижобий ўзгаришларни муштаҳкамлаш, балки ўсиб бораётган глобал ноаниқликдан келиб чиқиб юз бераётган хавф-хатарларга жавоб бериш ҳақида бормоқда.

Агар ўтган йилларда асосий эътибор минтақа давлатлари билан ўзаро муносабатларимизни том маънода тиклашга қаратилган бўлса, келгуси

даврдэ барқарорлик ва хавфсизлик асосий йўналишга айланади. Минтақавий ҳамкорликни бошқичма-бошқич институционаллаштириш истиқболли ҳисобланади.

\*\*\*

Президентимиз Мурожаатномаси жамиятимиз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга ҳодиса бўлди.

Илнинг бош ҳужжатида мамлакатимиз ривожланишининг стратегияси, давлатимиздаги мураккаб жараёнларга оид чуқур таҳлилга асосланган, айтиш мумкинки, юксак идор қуввати бўлган мулоҳазалар билдирилди ва дадил тақлифлар илгари сурилди. Президентимиз нутқи бугунги кунимизни, авж олаётган жараёнларни аниқлаш, эришилган натижаларни холисона баҳолаш, шу билан бирга, келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни аниқлаш учун ниҳоятда муҳим ҳужжатдир.

Шак-шубҳасиз, бугунги кунда муштаҳкам фуқаролик позициясига эга бўлган ҳар бир шахс, у раҳбар ё оддий ходим бўладими, истисносиз, мамлакат тақдирини ҳақида қайғурур экан, Мурожаатномада баён этилган фикр-мулоҳазаларни чуқур, шошилмасдан таҳлил қилмоғи лозим. Унда илгари сурилган гоялардан келиб чиқиб, ҳар биримиз дунёқарашимизни қайта кўриб, ўз муносабатимизни ва вазифаларимизни белгилаб олишимиз лозим.

## КУН МАВЗУСИ

## ЎЗБЕКИСТОН — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

Ушбу тамойилнинг асосий моҳияти нимада?



**Мавлудахон ХЎЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты**

Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий давлат, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш демакдир. У ижтимоий тафовутларни камайитириш, муҳтожларга ёрдам бўйича самарали сиёсат қўриладиган давлат моделидир.

Мамлакатимиздаги аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ноғиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мумкин.

Жорий йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Қолаверса, сўнгги беш йилда мамлакатимизда тўрт қарра кўпроқ аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатилаётган бўлиб, 2 миллиондан ортиқ оила қамраб олинди. Бу мақ-

**“ ҚОНУНГА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧАЛАРГА БИНОАН, 2023 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ I ВА II ГУРУХ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНГАНДАН Кейин КАМИДА 1 ЙИЛ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛСА, ИШ СТАЖИ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ҲАМДА КЕЛГУСИДА ҲАР 2 ЙИЛДА НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯ МИҚДОРЛАРИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ АМАЛИЁТИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА. БУ ОРҚАЛИ 2023 ЙИЛДА I ВА II ГУРУХ НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИ ОЛУВЧИ 75 МИНГ ФУҚАРОНИНГ ПЕНСИЯ МИҚДОРЛАРИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНИШИ ВА НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИ ЎРТАЧА 304 МИНГ СЎМГА ОШИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.**

Конституциямизга пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиши, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилаши, ижтимоий жиҳатдан эҳтимол ва кам таъминланган, уй-жой

ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилиди. Натижада 2023 йилдан 352 миң фуқаронинг пенсияси 400 миң сўмгача кўпаяди. Бу ҳам пенсияларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва ижтимоий адолат принципларини муштаҳкамлашга хизмат қилади.

## ШУКУҲ



## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ДЕҲҚОНЛАР ТУҲФАСИ

Эзгу ниятлар ила кутиб олинаётган Янги йил байрамини барча бирдек хуш кайфиятда, тўкин дастурхон агрофиде шодумон қарши олишни хоҳлайди. Бунинг учун аини пайтда барча бозорга шошилган, кимдир ширинлик, кимдир мевачева харид қилишга киришган. Ҳамма арзонроқ, лекин сифатли нарса олишга интилади. Бугун бозорларда ташкил этилган арзонлаштирилган ярмаркалар байрам арафасида кўпчилик учун аини муддоо. Қашқадарё вилояти бозорларида ҳам шундай ярмаркалар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Қарши шаҳридаги “Деҳқон озиқ-овқат бозори” масъулияти чекланган жамиятига қарашли бозорда бугун Қарши, Шаҳрисабз ҳамда Қўқдал туманлари тadbиркор-деҳқонлари ташаббуси билан байрам ярмаркаси ташкил этилган. Илгирима турдаги маҳсулот аҳолига қўлай ва арзон нархларда сотилмоқда.

— Янги йил байрамда аҳолига юқори кайфият улашши ва уларга керакли маҳсулотларни сифатли ва арзон нархларда етказиб бериш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, — дейди “Деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ раиси Ойбек Пулатов. — Аини пайтда белгилашган маҳсулотлар ўз вақтида расталарга чиқарилиб, аҳолига етказиб берилмоқда. Ҳозир ўндан ортиқ тadbиркор ўзи ишлаб

чиқараётган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйган.

— Арзонлаштирилган ярмаркадан бир киллограмми олти миң сўмдан мол гўшти харид қилдим, — дейди Ғолиб Шокиров. — Қолган маҳсулотларнинг нархи ҳам анча арзон. Бу харидорлар учун янада қўлай. Янги йил байрами дастурхонини тўкин-сочин қилишда имконият яратиб берганидан мамнунимиз. Албатта, арзончилик бўлса, одамларнинг кайфияти яхши бўлади. Байрам ҳам шунга яраша чиройли ўтади.

Янги йил байрами арзонлаштирилган ярмаркалари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган. Савдо-ярмаркалар 2023 йилнинг 5 январигача давом этади.

**Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ТАЖРИБА

# ВАЗИР МАОШИ, ДИПЛОМАТ ДАХЛСИЗЛИГИ ВА ИМПЕРАТОР МАҚОМИ



Hayrullo BOZOROV, Farqona viloyati hokimi

Бошланиши 1-бетда

2000 йилда Япония ҳукумати ҳузурида ташкил этилган Таълимни ислоҳ қилиш миллий комиссияси олдига ҳар бир шахснинг қобилиятини юзга чиқариш ҳамда ижодий фикрловчи инсонларни вояга етказишни таъминловчи таълим тизимини жорий этиш бўйича қўйилган вазифалар ижроси ҳақиқатан ҳам бугун япон мактабларида устувор эканини кўриш мумкин.

## Фужимигаока бошланғич мактаби

Фужимигаока мактаби 6 йиллик давлат бошланғич таълим муассасаси ҳисобланади. “Ҳар бир ўқувчига жамиятда фаол ўрин тутишга имкон берувчи таълим” шiori билан фаолият юртакдан ушбу мактабда 416 ўқувчи билим олади, 33 педагог фаолият юратади. Бир қарашда ортқча ҳашаматларсиз, оддийгина мактабдмиз. Лекин муассасага қадм қўяр экансиз, япон миллий маданиятининг ўзига хосликларини ҳис қиласиз. Бизни мактаб директори Акико Такеучи хоним кўтиб олди ва мактаб биносига таклиф этди. Япон мактабларининг ўзига хос тартиб-қоидаси бўйича пойабзалларни ечиб, энгил тапочкада ичкарига кирдик.

Муассаса раҳбари билан суҳбатимиз мактаб фаолияти, ўқитувчиларга яратилган шароитлар, уларнинг масъулияти, ўқув жараёнини ташкил этиш масалалари, ўқувчилар билан ишлаш, мактаб ва ота-оналар муносабати, хуллас, таълим ва у билан боғлиқ барча жиҳатларни қамраб олди.

Акико Такеучи хоним билан мактаб синфларини, кутубхоналарни, спорт майдонларини айландик. Барча синф хоналари замонавий электрон доскалар, матрни экранга узатиш камералари, проекторлар билан жиҳозланган. Коронавирус пандемияси даврида ўқувчиларга онлайн ўқиш имкониятини тақдим этиш учун Япония бўйича барча ўқувчиларга махсус ишлаб чиқилган машғулотлар дастурлари ўрнатилган ноутбуклар бепул тарқатилган. Тозаликка риоя қилишни болаликдан ўргатиш Японияда таълим жараёнининг бир бўлаги экани яққол кўзга ташланади. Мактаб коридорларида деярли ҳар бир синфхона олдига ўқувчилар қўл ювиши учун шароит яратилган.

Мактабдаги икки зал кутубхонада ҳам ўқув, ҳам бадий адабиётлар жамланмаси мавжуд. Ўқувчилар бир мартада бештагача китоб олиши мумкин. Кутубхона коридоридаги доскада янги келган адабиётлар ҳақида маълумот ва уларнинг қисқача баёни доимий янгиланган борилади.

Ўқувчиларни касбий таълимга йўналтириш учун касба ўргатишга барча шароит яратилган алоҳида амалий машғулот хоналари ҳам бор.


Мактаб худуди катта бўлмасида, очик ва ёпиқ спорт майдонлари, энг эътиборлиси, бинолар том қисмида сузиш ҳавзаси ҳам қурилган.



Фужимигаока мактаби спорт зали кўп функцияли қилиб қурилган эътиборимизни тортди. Залнинг бир тарафида саҳна мавжуд бўлиб, спорт машғулотлари билан бирга оммавий тадбирларни ўтказиш имконияти ҳам бор.

## Бюджет харажатларининг эллиқ фоизи таълимга йўналтирилади

12 йиллик таълимга асосланган Японияда давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилмайдиган тўққиз йиллик мажбурий таълим тизими мавжуд бўлиб, бу олти йиллик бошланғич мактабни ҳамда уч йиллик ўрта мактабни ўз ичига олади. Тўққиз йиллик мажбурий таълимдан сўнг ўқувчилар икки йўналишдан бирини танлаши мумкин: академик ёки касб-ҳунар таълими. Бу мажбурий бўлмасида, ёшларнинг 79 фоизи ушбу мактабларни ҳам тамомлаш Японияда таълим олишга улкан



**АКИКО ТАКЕУЧИ ХОНИМ БИЛАН МАКТАБ СИНФЛАРИНИ, КУТУБХОНАЛАРИНИ, СПОРТ МАЙДОНЛАРИНИ АЙЛАНДИК. БАРЧА СИНФ ХОНАЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ДОСКАЛАР, МАТНИ ЭКРАНГА УЗАТИШ КАМЕРАЛАРИ, ПРОЕКТОРЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН.**

қизиқишни кўрсатади. Давлат мактаблари билан бирга хусусий мактаблар тизими ҳам кенг ривожланган.

Бизга маълум қилишларича, Токио шаҳрида 1339 та бошланғич (53 таси хусусий) ва 807 та ўрта мактаб (188 таси хусусий) бўлиб, бу муассасаларда қарийб 53 минг ўқитувчи-педагог фаолият юратади. Давлат мактаблари бепул бўлса, хусусий мактабларда ўқиш учун тўлов қиймати йилига 20-30 минг долларни ташкил этади.

Япония таълим тизимидаги ўзига хосликлардан яна бири мактабларни “кучли” ва “оддий” каби тоифаларга ажратишдан воз кечишли, ҳамма учун бир хил имконият яратилишидир. Барча мактабларда бир хил таълим берилади, ўқувчилар муваффақиятига қараб турли мактабларга бирлаштирилмайди. Ўқувчилар яшаш ҳудудига энг яқин мактабда таълим олиши қонун билан белгилаб қўйилган. Мактабларда ўқувчи сони 200 нафардан 800 нафаргача ташкил этади.

Японияда мактаблар маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфида. Давлатнинг таълим тўғрисидаги қонунига асосан, ҳудудларда бошланғич ва ўрта мактаблар, шунингдек, имконияти чекланганлар учун таълим муассасалари ҳокимликлар томонидан ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Давлат бюджетидан ҳудудий маъмуриятларга харажатларининг камида 50 фоизи миқдориде маблағ ажратилади.

Мактаб директори Акико Такеучининг қайд этишича, муассаса раҳбари ва ўқитувчиларни ишга олиш, маош тўлаш, мактабни молиялаштириш, таъмирлаш, жиҳозлаш, ўқув қуроллари билан таъминлаш масалалари барчаси Токио маъмурияти ҳузуридаги таълим кенгаши томонидан амалга оширилади.

Ушбу кенгашда 2000 нафардан зиёд ходим фаолият кўрсатади ва улар мактаблар фаолиятини тўла мувофиқлаштириб боради. Кенгаш аъзолари таълим соҳасида катта тажрибага эга мутахассислардан шакллантирилади.

Мактабларда ўқитувчиларга бошланғич, ўрта ва олий тоифалар берилиб, тоифа олиш учун ўқитувчилар кенгашлар ҳузуридаги таълим қўмитаси томонидан иншо ва тест ўтказиш йўли орқали имтиҳон қилинади. Олий тоифани олиш энг қийин. 33 ўқитувчи ишлайдиган Фужимигаока мактаби мисолида олиб қараганда, директор билан бирга икки педагогданига ушбу тоифа мавжуд.

Барча педагоглар учун миллий ва ҳудудий малака ошириш дастурлари бўлиб, ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларда “ҳаётдан завқ олиб яшаш” кўникмасини шакллантириш учун етарли малака-

Таълим соҳаси учун масъул бўлган Япония Таълим, маданият, спорт, илм-фан ва технологиялар вазирлиги, асосан, умуммиллий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда давлатнинг соҳадаги сиёсатини шакллантириш билан шуғулланади. Шунингдек, ягона ўқув-методик дарсликлар ва норматив мажмуалар ишлаб чиқиш, таълимнинг ўқув режалари ва дастурларини яратиш вазирлик ваколатига қиради.

Японияда вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган дарслик китобларни қайси нашриётда чоп этириш масаласи маҳаллий ҳокимлик билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ҳар бир дарслик учун ўқувчиларнинг дарс китоби билан бирга ўқитувчи китоби ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, у дарсни ташкил этиш бўйича керакли барча маълумотларни ўзида жамлаган. Япония Конституциясидаги мажбурий таълим тўғрисидаги бандга кўра, ҳар йили ўқувчи бепул янги дарс-



ликлар билан таъминланиши шарт ва ўқув йили якунида китобларни ёшлар ўзида олиб қолиши мумкин.

Мактабларга жиҳозлар, спорт ва муסיқа анжомлари сотиб олиш учун Токио маъмурияти томонидан ҳар йили аниқ белгиланган маблағ ажратилади.



Ҳар бир мактабда айнан нимага эҳтиёж мавжудлиги таълим кенгаши томонидан ўрганилиб, муассасаларга маблағ манзилли йўналтирилади.

## “Ҳаётдан завқ олиб яша!”

Давлат мактабларида фаолият юритмоқчи бўлган мураббийлар ҳокимлик ҳузуридаги таълим кенгаши томонидан ўтказиладиган тест, иншо ва оғзаки имтиҳонлар натижасига кўра, бир йиллик синов мuddати билан ишга қабул қилинади. Имтиҳонларда ҳар бир ўринга 10 нафаргача номзод даъвогарлик қилади. Ўқитувчилар ҳамда мактаб директорларининг мажбурий ва режали ротацсияси ҳам йўлга қўйилган.

“Биз ўзимизни ҳокимликнинг тўлақонли ходими сифатида билансиз ва масъулиятимизни ҳис этамиз”, дейди мактаб директори.

Мактабларда ўқитувчиларга бошланғич, ўрта ва олий тоифалар берилиб, тоифа олиш учун ўқитувчилар кенгашлар ҳузуридаги таълим қўмитаси томонидан иншо ва тест ўтказиш йўли орқали имтиҳон қилинади. Олий тоифани олиш энг қийин. 33 ўқитувчи ишлайдиган Фужимигаока мактаби мисолида олиб қараганда, директор билан бирга икки педагогданига ушбу тоифа мавжуд.

Барча педагоглар учун миллий ва ҳудудий малака ошириш дастурлари бўлиб, ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларда “ҳаётдан завқ олиб яшаш” кўникмасини шакллантириш учун етарли малака-

га эга бўлиши ва буни доимий ривожлантириб бориши талаб этилади.

Ўқитувчилар ҳафталик, ойлик ва йиллик дарс режаси ишлаб чиқадилар ва у мактаб директори томонидан тасдиқлаб берилади.

Ҳар бир мактабда фаолиятини бошлаган ёш мутахассислар биринчи иш куниданоқ тажрибали ўқитувчиларга бириктирилган ҳолда “устоз-шогирд” тамойили асосида ўз билим ва тажрибасини ошириб бориши йўлга қўйилган. Бу жараёнда турли махсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири — ФРИКА доирасида ёш ўқитувчиларнинг дарс жараёни видеоларини бириктирилган устоз ўқитувчи дақиқа-дақиқа таҳлил қилиб, синфда ўтирган ўқувчиларнинг қайси брига қандай ёндашув талаб этилиши юзасидан маслаҳатлар ҳам беради.

Самарали “устоз-шогирд” тизими натижасида Японияда таълим муассасаларида иш бошлаган ёш ўқитувчиларнинг бошқа соҳага ўтиб кетиш кўрсаткичи атиги 1 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Япон мактабларидаги ўқитувчилар хонаси — Shokuin shitsu кунлик тажриба ва фикр алмашиш, дарсга киришдан олдин режалар ҳамда дарсдан сўнг яқунлар бўйича доимий очик муҳокамалар ўтказиш майдончасига айланишини кўрдик.

## Директорлик сари машаққатли йул

Япония давлат таълим сиёсатида мактаб директорлари учун талаб этиладиган учта асосий хусусият алоҳида белгилаб қўйилган: мактаб жамоасини бирлаштира оладиган раҳбарлик қобилияти, таълим соҳасида бугунги кун талабларини ҳамда истиқболдаги вазифаларни тўлақонли англаб етиш, мактаб жойлашган ҳудудда яшовчи аҳоли билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш.

Японияда мактаб директори этиб тайинланиш учун танлов фақат кўп йиллик тажрибага эга, олий тоифали ўқитувчилар ўртасида ўтказилиши шарт қилиб белгиланган. Олий тоифага эга бўлмаган ўқитувчилар директор



лавозимига имтиҳонга ҳам киритилмайди.

Директорлик учун танлов иншо ва суҳбат тарзида ўтказилади, ҳар бир номзод ўзи директор сифатида мактабни ривожлантириш режаларини ёзма баён қилади.

Акико Такеучи хонимнинг бизга маълум қилишича, мактаб фаолиятини ўрта ва узоқ мuddатли ривожлантириш режаси мавзусидаги дастлабки иншо синовидан номзодларнинг 60 фоиздан кўпи ўта олмади.

Ёзма имтиҳонни муваффақиятли топишган номзодлар таълим кенгаши масъуллари томонидан суҳбатдан ўтказилади ва ушбу синовдан ҳам муваффақиятли ўтганларига ҳокимликнинг директорлик учун номзодлар рўйхатида киритилади.

Иккинчи босқичда бир йилдан сўнг бўш турган мактаб директорлиги лавозимларига яна қайта ёзма иншо ва оғзаки суҳбат ўтказилади. Ҳар икки босқичдан икки йил кетма-кет муваффақиятли ўта олганлар орасидан директорлар тайинланади. Мактаб директорининг бир ўринбосари бўлади ва у ҳам олий тоифали бўлиши шарт. Йирки мактабларда иккита ўринбосар штати мавжуд.

Директор мактаб фаолиятини самарали ташкил этишда катта ваколатларга эга мутасадди ҳисобланади. Акико Такеучи хонимнинг айтишича, муассаса фаолиятини ривожлантиришда ота-оналар ҳамда ҳудудда яшовчи аҳоли вакиллари фикри ҳам инobatта олинади.



**“ЯПОНИЯДА МАКТАБЛАР МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТАСАРРУФИДА. ДАВЛАТНИНГ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИГА АСОСАН, ҲУДУДЛАРДА БОШЛАНҒИЧ ВА ЎРТА МАКТАБЛАР, ШУНИНГДЕК, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР УЧУН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲОКИМЛИКЛАР ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ҲУДУДИЙ МАЪМУРИЯТЛАРГА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ КАМИДА 50 ФОИЗИ МИҚДОРИДА МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ.**

Директорлар тайинлангандан сўнг бир мактабда 3 йилдан 6 йилгача фаолият юратади. Японияда директорлар ротацсияси тизими йўлга қўйилган бўлиб, энг яхши натижаларга эришган директорлар курсаткичлари наст мактабларга раҳбар қилиб тайинланади.

## Ота-она билан ўн беш дақиқа суҳбат

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада алоҳида эътибор қаратган “ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш” масаласи япон мактабларида ўқитувчиларнинг асосий ёндашуви бўлиб, ҳар бир ўқувчини шахс сифатида ривожлантириш дарс

ўтказилмайди. Фарзандлари билан боғлиқ масалаларда ота-оналарнинг тўғридан-тўғри ўқитувчилар билан боғланишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир ҳолатда мактаб директорига мурожаат қилиш тартиби ўрнатилган. Энг эътиборлиси, бизнинг мактабларда авваллари мавжуд бўлган ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги “алоҳа дафтарлари” Японияда ҳали-ҳануз долзарблигини йўқотмаган.

Японияда ёшлар билан ишловчи алоҳида ташкилот мавжуд эмас. Мактабда ҳам ўқувчилар билан дарсдан бўш вақтларда ишлаш учун алоҳида тузилма йўқ. Лекин ҳар бир туман ке-сида мактаб ўқувчилари ўртасида доимий спорт ва ижодий мусобақалар анъанавий ўтказиб келинади. Ҳар бир мактабда ҳар йили катта спорт ҳафталиги ўтказилади. Мактаб директорининг айтишича, ўқувчиларда саёҳат кўникмасини шакллантириш учун бир йилда уч марта турли ҳудудларга саёҳат уюштирилади.

Японияда ўқитувчиларга расман “умумжамиятга хизмат қилувчи давлат хизматчилари” мақоми берилган ва ҳақиқатан ҳам таълим соҳаси вакиллари умумжамият манфаати учун хизмат қилаётганидан фахрланишига гувоҳ бўлдик.

Япон жамиятида сифатли мактаб таълими келгуси муваффақиятли ҳаётнинг асосий қалити ўлароқ қабул қилиниши ўқитувчи ва мураббийларга ўзига хос ҳурмат шаклланишига омили бўлгани сезилади.

Фужимигаока бошланғич мактаби билан танишиш ҳамда мактаб раҳбари, ўқитувчилар билан мулоқотимиз давомида бир ҳақиқат яққол кўзга ташландики, Японияда ўқитувчи касбининг обрў-эътибори юқори, ўқитувчилар ўз касби билан ҳақиқатан ҳам ифтихор туйишади. Ута ривожланган Япония шароитларидан келиб чиқиб қараганда, унчалик катта бўлмаган маош билан ҳашаматдан йироқ давлат мактабларида фаолият юретаётган педагоглар қўлай шароитларда, замонавий технологиялар ҳамда методлар ёрдамида япон мўъжизасининг навбатдаги давомчиларини етиштириш билан бандлиги бизга япон миллиятига хос ватанпарварлик, меҳнаткашлик ҳамда миллий ўзлигининг ажойиб намунасидек кўринди.

Японияда таълимга эътиборнинг мамлакат тарақиётидаги ҳиссасини кўриб, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини оширишнинг аҳамиятини яна бир бор ҳис этдик.

Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг Президентимиз Мурожаатномасида келтириб ўтилган “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”, деган сўзлари эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни фақат таълимни қўллаб-қувватлаш орқалигина барпо этиш мумкинлигига яна бир қарра ишонтиради.

## Ўқитувчилик мақоми



## БУГУННИНГ ГАПИ

Тадбиркорлик — аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини, иқтисодий ривожини таъминловчи муҳим тармоқ. Шу боис, юртимизда сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида қатор институционал ва тузилмавий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) институти таъсис этилиши ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

# ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ КАФОЛАТИ

**Жамшид УРУНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Тадбиркорлик  
субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний  
манфаатларини ҳимоя  
қилиш бўйича вакил  
ўринбосари



электр кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва руҳсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмуричилиги жиддий ислохот қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Келгуси йил шу масала билан қаттиқ шугулланамиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: биз тадбиркорлик соҳасида жавобгарлиқни енгиллаштириш бўйича бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттирамиз. дея алоҳида тўхталиб ўтиш. Мана шу гаплардан аёнки, Ўзбекистонда бизнес вакиллари ҳамма эътибор ва ғамга бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳаси тўлиқ ислохот қилиниб, унинг устидан Бизнес-омбудсман томонидан мониторинг қилиниши масофадан туриб, текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали амалга оширилади.

Мониторинг доирасида аниқланган қондабузарликлар бўйича 2019 йилдан бошлаб назорат қилувчи органлар раҳбарлигида жами 760 тақдирнома киритилган, 4 минг 346 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий материаллар расмийлаштирилган. 1 минг 49 нафарига интимиқ жазо чоралари қўланилиб, 15 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Текширувларни мувофиқлаштиришнинг яна бир механизми барча текширувлар назорат қилувчи органлар томонидан Бизнес-омбудсман билан келишилган ва ҳабардор қилган ҳолда ўтказилишидир. 2019 йилдан ҳозирга қадар 10 минг 206 ташаббусдан 5 минг 290 таси текшириш ўтказиш учун қонуний асослар мавжуд бўлмагани сабабли рад этилган.

Президентимизнинг соҳага доир қатор фармонлари билан Бизнес-омбудсманга

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10 та моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни расмийлаштириш ва судларга юбориш юзасидан берилган ваколат доирасида 3 минг 709 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, Бизнес-омбудсман институтига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 9 та моддаси бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколати белгиланди.

Эндиликда у давлат органи вакили томонидан тадбиркорларнинг мурожаатлари кўриб чиқилганда, унга тегишли бўлган ер майдони ноқонуний олиб қўйилганда, унинг мулк ҳуқуқи бузилганда, унда ўтказилган текширувлар тартиби бузилганда ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларига таъжовуз қилувчи бошқа қонунибузилишлар аниқланганда тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жаримлар қўйлади.

Процессуал қонунийликка асосан, Бизнес-омбудсман суд жараёнининг ҳар қандай босқичида кучга кирган суд қарорлари устидан шикоят беришга ҳақли.

**Сўнгги беш йилда жами 1 минг 85 тадбиркорга нисбатан чиқарилган ноқонуний қарор бекор қилинган ҳамда 12 минг 681 гектар ер ва ноқонуний ундирилган 337 миллиард сўм маблағ тадбиркорларга қайтарилиб, ҳисобдан чиқарилган.**

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи масалаларга доир ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тарзда Бизнес-омбудсман билан келишилади. Шу кунгача мазкур йўналишда жами 853 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси экспертизадан ўтказилган бўлиб, улар бўйича 1 минг 400 дан ортиқ таклифлар берилган. Тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган 42 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорликка таъсири самарадорлигини баҳолаш натижасида соҳани ривожлантириш бўйича 261 масала юзасидан таклифлар киритилган.

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг самарали бўлиши тадбиркорларнинг ҳимояланганлик даражаси юқорилигига боғлиқ. Бунда ижро этиш ҳокимияти тизимига кирмайдиган ва фаолиятда мустақил бўлган Бизнес-омбудсман институтининг аҳамияти катта. Шу маънода, ушбу институти мустақамлаш ва ривожлантириш даври талабига айланмоқда.

## АКС САДО

# ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

сафида эканим зиммамга катта масъулият юклайди

**Шоира БЎЛДИЕВА,**  
“RUXSHANA TEKS” хусусий корхонаси директори

Аҳолининг тадбиркор бўлишига амалий ёрдам берилса, барча соҳалар тараққий этади. Ёшлар, хотин-қизлар бизнесини йўлга қўйиш, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш борадаги амалий саъй-ҳаракатлар кўплаб субъектларнинг ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, йирик компанияга айланишига тамал тоши бўлди. Биласизми, ўзим тадбиркор бўлганим учун ҳам кузатиб, таҳлил қилиб бораман: авваллари маҳаллий бозорда ҳам ҳаминақадар иштирок этган тадбиркорлар бугун ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга бўлиб бормоқда.

Президентимиз жорий йил 21 декабрь куни “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзолади. Айтиш жоиз, ҳужжат маҳаллий маҳсулотларнинг янги истиқболли бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

22 йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаман. Дастлаб ишимни 3 донга станок ва саноклигина иши билан бошлаган эдим. Мақтанмиш эмас, фаолиятимиз ўтган йиллар мобайнида анча кенгайди. Бунда соҳага доир ислохотларнинг катта ҳиссаси бор. Ҳозир 100 дан зиёд станок ишлаб турган корхонамизда 120 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган.

Бугун ҳар бир соҳа вакиллари яратувчилик, бунёдкорлик салоҳияти тўла юзага чиқмоқда. Чунки улар учун енгиллик, имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир ҳудуди, шаҳардан тортиб, энг чекка қишлоғича тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашга интилади. Бундан уларнинг кенг имкониятлар майдонига айланади.

Фармонда 2024 йил биринчи январга қадар Европа, Туркия, Миср ва Марокашга газлама, трикотаж мато маҳсулотларини экспорт қилишда ташвиш харажатларининг 70 фоизини компенсация

ламаларни Чехия, Германия, Польша, Туркия ва Россияга экспорт қилаёмиз. Корхонамизда “устоз-шогирд” аниқлиги яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир тўқувчи, тикувчи ва дизайнерга утадан шогирд бириктирилган. Бир-икки ой ўтган, ўрганувчилар иш билан таъминланади ва ўз ўрнида уларга ҳам шогирдлар бириктирилади. Бизда иш ўрганганларнинг кўпчилиги оилавий тадбиркорликни ҳам йўлга қўйди.

Президентимизнинг жорий йил 21 сентябрдаги “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, касаначига ажратилган субсидия миқдори БҲМнинг 10 баробаридан 15 баробаригача оширилди. Касаначилик фаолиятини кенгайтиришга доир қулайликлардан ўринли фойдаланиб, имконияти чекланган 10 нафар хотин-қизини иш билан таъминлаган эдик. Бугун улар ўз даромадига эга. Агар тадбиркор пухта, шаҳардан тортиб, энг чекка қишлоғича тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашга интилади. Бундан уларнинг кенг имкониятлар майдонига айланади.

Фармонда 2024 йил биринчи январга қадар Европа, Туркия, Миср ва Марокашга газлама, трикотаж мато маҳсулотларини экспорт қилишда ташвиш харажатларининг 70 фоизини компенсация



муҳим омил бўлмоқда. Ишбилармон кичик бизнесни ташкил этадими ёки катта-ми, хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлансагина хотиржам ишлаш олади. Бугун тадбиркорларнинг мана шундай қулай шароитда ишлаши учун зарур чоралар қўрилимоқда.

Жорий йил 22 августда тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда Президентимиз “Бугун ушбу минбардан туриб бир гапни баралла айтмоқчиман: мен сизларни фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари, деб биламан ва бу йўлда сизлар билан доим биргаман”, деганида ўзимга ишончим янада ортди. Демак, халқимиз фаровонлигини оширишга ўз ҳиссамини қўшимчим, янги иш ўринлари яратишим керак.

Маъмулотларга кўра, охириги беш йилда тадбиркорлар сони қариб 3 баробар ошган, экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга етиб, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайган. Бу кичик рақамлар эмас. Бундай натижа замирида тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритиши, ҳақон бозорларига чиқиши учун барча имкониятлар яратилгани ва мана шу ишонча муносиб меҳнат ётади.

Юқорида зикр этилган фармонда экспортдан ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун ажратилган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитларни ўз вақтида сўндириб келмаётган тадбиркорлик субъектларига кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратилиши руҳсат берилди. Бу юқоридаги қўрсаткичларнинг янада орттишига хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

Азалдан тадбирли, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга хушёр кўз билан қарайдиган, имкониятлардан унумли фойдаланиб, нафақат ўз оиласи, балки халқ дастурдоғига барак олиб қирадиганлар дони қадридан. Вақти келиб, юртимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олганда, муваффақиятларга ишбилармонларни қўйнаётган муаммоларга қулқ тутиб, уларни баргараф этишга қаратилган ислохотлар сабаб бўлганини фахр билан айтмамиз.

Улардан унумли фойдаланиб, республикамизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшимча ҳаракат қиламиз. Бу бизнинг бурчимиз. Ташаббускорлик, билим ва тажрибамизни яққол намоён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қиламиз, лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун дадил қадамлар ташлайми. Имкониятларга шу тарзда жавоб берсакки, ўз олдимиқда қўйган мақсадимизга етган бўламиз.



қилишга субсидиялар тақдим этилиши белгиланган бўлиши. Бу биз тадбиркорлар учун катта қўмақ, албатта. Экспорт географиямизни янада кенгайтириш учун айна мунда.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот ва хомашёнинг 95 фоизи экспортга йўналтирилади. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остида халқаро савдо расталаридан ўрин олаётган матолар сифати, ташқи кўриниши билан дунёнинг тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатлари маҳсулотларидан қолшимайди, табиийлиги билан устун туради. Мато ва газ-

газлама тайёрлаш устида иш олиб бормоқда. Корхонамиз тўлиқ автоматлаштирилган станоклар билан жиҳозланган. Мана шундай шароитда амалий ва назарий фаолият уйғунлиқда олиб борилса, натижа кутилгандек бўлади.

Яқинда бир маълумотга кўзим тушди: 10 йил аввал ўз ишини йўлга қўйиш учун тадбиркорга 276 кун керак бўлган бўлса, айна пайтда бу жараён атиги бир неча кунни ташкил этмоқда. Бу — ҳақиқат. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган тадбиркорларнинг қўшимчадан катта лойиҳаларни амалга оширишида

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

# НАВОЙДА ОЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

Навоий вилояти марказидан Қизилқум чўллари сари юркансиз сизни мўъжизавий Зарафшон шаҳри қарши олади. Бугун ушбу ҳудудда йирик тоғ-кон саноати корхоналари билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам жадал ривожланыпти.

Яқинда бу ерда ойна ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилгани ҳудуд саноати учун мутолқо янгилик бўлди. Ушбу маҳсулотни тайёрлашда кварцдан фойдаланилади. Авваллари мазкур хомашё хориждан келтирилган. Томди туманида кварц қуми конлари топилигани туфайли маҳсулотни энди маҳаллий хомашёдан тайёрлаш имкони пайдо бўлди. Шунингдек, бу беповён кенгликларда оҳақтош ва доломит каби хомашёлар ҳам мавжудлиги лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолатдир.

Хисоб-китобларга кўра, юртимизда биргина қурилиш ойнасига бўлган талаб йилига 38 миллион квадрат метрни ташкил этади.

Президентимиз 2018 йилда вилоятга ташрифи чоғида ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича мутасаддиларга тегишли қўрсатмалар берганди. Жорий йил ноябрь ойидаги навбатдаги ташрифида “Зарафшон ойна” корхонасининг фойдаланишига топширилиши маросимида иштирок этди.

— Ҳозиргача бундай корхоналар Фарғона ва Жиззахда бор эди. Мана, уларнинг сафига янги барпо этилган, кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Зарафшон ойна” корхонаси ҳам қўшилмоқда. У келгусида янада ривожланиб, халқимизга хизмат қилишига ишонамиз, — деганди давлатимиз раҳбари ушунда.

Ушбу корхона бир кеча-кундузда 300 тонна шиша тайёрлаш қувватига эга. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 12 миллион квадрат метр. Маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан бирга экспортга ҳам мўлжалланган.

Зарафшон шаҳридаги саноат зонасида жойлашган мазкур корхонага Германиядан олиб келинган технология ўқуналар ўрнатилган.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 250 миллион

доллар бўлиб, шундан 75 миллион доллари банк орқали молиялаштирилган, 175 миллион доллари эса таъсисчиларнинг ҳиссасига тўри келади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз М0, М1 маркали ҳисобланади. М0 маркали маҳсулотларни дунёда барча заводлар ҳам ишлаб чиқаравермайди. Ана шундай маркадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган дунёдаги етакчи корхоналар қаторига заводимиз ҳам қўшилди. Ҳозир Польша, Италия ва Германияга маҳсулотларимизни экспорт қилишни режалаштиряпмиз. Шу билан бирга, ички бозорда импорт ўрнини қоплаш ҳам асосий мақсадимиз. Келгусида завод фаолиятини янада

кенгайтираемиз, — дейди “Зарафшон ойна” МЧЖ таъсисчиси Баҳодир Юсупов.

Заводда барча жараён тўлиқ автоматлаштирилган. — Маҳалламиз ҳудудида улкан завод ишга туширилгани барчамизни қувонтирди. Чунки корхонада янги иш ўринлари яратилди ва 70 киши иш билан таъминланди. Шундан 37 нафари ёшлар, — дейди “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акбар Жўраев.

Шиша маҳсулоти зарур жараёнлардан кейин қопиллаш бўлимига ўтказилади ва керакли қуримлар орқали унинг қалинлиги, кенглиги ўлчанади. Сўнгра барча белгиланган меъёрлар ва



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



www.yuz.uz

f yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news



# “Ақлли БОҒЧА”ДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСУЛИ фарзандларимиз бахтли келажакига хизмат қилади

**Эркин ҚОСИМОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
техника фанлари доктори, профессор,  
**Иброҳим ҚОСИМОВ,**  
техника фанлари доктори, профессор

Бошланиш 1-бета

Ғарбда “Зиё Шарқдан таралади”, деган ҳикоят бор. Бу бежиз айтилмаган. Зеро, қадим замонларда Шарқда илм-фан юксак даражада ривожлангани, айниқса, фарзандлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамот масаласи сифатида жуда катта эътибор қаратилгани ҳеч кимга сир эмас.

Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган она заминимиз ўтмишда дунё тамаддунига бешик бўлгани айни ҳақиқатдир. Юксак онг ва тафаккур соҳиблари бўлиши Мухаммад Хоразми, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир аждодларимиз ўзидан улкан илмий-маънавий мерос қолдирган.

Булларнинг барчаси замирида бола тарбияси муҳим ўрин тутган. Чунки юртимизда азалдан фарзанд тарбияси таълим билан урун олиб борилган. Бу борада заррача сўзсизликка йўл қўйилмаган. Комил инсон тарбияси бениҳоя қадрланган. Шу ўринда улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган сўзларини эслаш кифоя.

Мана шундай чуқур ҳаётий тамойилга ҳамон оғишмай амал қилинаётгани, фарзандларимиз таълим-тарбиясига янада кенгроқ эътибор қаратилаётгани энг катта ютуғимиздир.

Яқинда Тошкент шаҳрида мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўтказилган жаҳон конференциясида Президентимиз “Инсон қадрининг унги учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келажакда ёшларнинг ўзларини тўла намоён этишига мустақкам замин яратяптиз. Зеро, бу каби эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ”, деган сўзлари юртимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш масаласига давлат сийбоси даражасига кўтарилганидан яқол далолат беради.

Мана шундай шароитда барчамиздан фарзандларимиз камолоти йўлида доимо тинимсиз изланиш, янги ғоя ва

ташабусларни амалга оширишга интилиш талаб этилади.

Бугун юртимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида қатор ютуқлар кўлга киритилаётганига барчамиз гувоҳимиз. Тўртта муҳим тамойилни ўз ичига олган “Ақлли боғча” инновацион таълим-тарбия тизими яратилгани ана шундай муҳим натижалардан биридир.

Тавсия этилаётган ушбу тамойилларни дунё олимлари тан олиб, катта қизиқиш билан эътироф этмоқда. Қолаверса, ушбу замонавий таълим-тарбия тизими Мактабгача таълим вазирлиги раҳбарияти, соҳа мутахассислари иштирокида халқаро анжуманларда атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур инновацион усуллар мактабгача таълим ташкилотларида синовдан ўтказилиб, ҳақли равишда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясида ноёб янгилик сифатида тан олинди.

## Биринчи тамойил — бола онгига мазмун бериш

Тасаввур қилинг, фарзандингиз “Мен бугун иккита беш баҳо олдим”, дея боғчадан хурсанд бўлиб қайтса, қайфиятингиз қай даражада кўтарилади? Албатта, қалбингизда шукроналик ҳиссини туюсиз. Фарзандингизнинг ҳар бир ютуғи кўнглингизни тоғдек юксалтиради.

Боланинг шахс сифатида шаклланишида мактабгача бўлган давр катта аҳамиятга эга эканини, албатта, ҳисобга олиш зарур. Шу боис, Президентимиз давлат бошқарувиغا келган илк кунлариданоқ мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қарата бошлади. Давлатимиз раҳбарининг боғча таълимини олган ёшлар 18 йилдан кейин дунёга танилган буюк илмодор алломалар бўлиб етишишига аминман, деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Шундай эзгу мақсад йўлида ушбу тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги миллий қонунчилик асоси бутунлай янгиланди, қолаверса, Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда болаларга боғча шароитида таълим беришининг ноёб, муқобил усуллари излаб топиш ва амалиётга жорий этиш масаласига алоҳида ургу берилган.

Табииёт соҳаси вақилларининг эътирофига, уч-тўрт ойлигидаёқ ҳомилда асаб тоналари ҳаракати шакллана бошлайди. Бола миясининг физиологияси ҳамда руҳияти онг ва ақл шаклланишида



асосий мезон вазифасини ўташи аллақачон исботланган. Илмий изланишлар натижасига кўра, бола дунёга келгандан бошлаб кўз, қўлоқ ва сезги органлари воситасида турли ранглари кўриши ва уларни ўзаро фарқлаш, сазик кўндан кейин эса она алласини эшитиш ва ота-она тафтини сезиш каби ҳиссиётлар орқали атроф-муҳит билан боғланади. Натижада унинг мураккаб шуруда атрофдаги ҳар бир нарсасга қизиқиш уйғонади. Бошқача айтганда, гўдақда қизиқиш жараёни кенгайди, у борлиқни англашга интилади. Онг шу тарзда шакллана бошлайди. Бола 4-5 ёшга тўлганида қизиқиш орқали дунёни англаш ва билишга интилиш ҳиссиёти ниҳоятда фаоллашади. Унинг мия хужайралари ушбу йўналишда жадал ишлайди. Бола улаггани сайин атрофдаги ўйинчоқлар, расмлар, ҳаракатланувчи механизмлар орасидан ўзига ёққан касбга оид предметларга онгли равишда қизиқиш ҳисси қуртак очади.

Тавсия этилаётган биринчи тамойилнинг асл янгилиги ҳам шунда. Яъни мактабгача ёшдаги болалар қизиқувчанлик ҳисси билан ўзи учун қимматли ва ёқимли муайян ўйинчоқ, нарсаси ва ҳодисасига эътибор қаратади, шунга яраша муносабати шаклланади. Бундай болаларда табиий равишда ўзига хос қизиқиш ва ҳулқ-атвор белгилари намойён бўлади.

Болалар тарбиячилар ёрдамида бошланғич билимларни онгли, пухта, барқарор равишда ўзлаштира бошлайди. Бу эса уларнинг қобилиятини, эҳтини, ўқувчанлигини ривожлантиришга, борлиқни муқамалроқ тушунишига ёрдам беради. Қизиқувчанлик, фооплик, ички туртки, ДНК ва РНКларда ирсият ўйғониши каби туғилар уларнинг эҳтиёжини рўёбга чиқаришда асосий манба вазифасини бажаради. Бундай ўзгаришлар уларни борлиқни эркин қабул қилиб, мустақил қарорлар чиқаришга, ўзини ўзи назоратда ушлашга, мақсад

сари интилиш ва турли тўсиқларни енгиб ўтишга ундайди.

Қизиқувчанлик ва синқовлик болаларнинг билиш доирасини кенгайтиради. Шу боис, уларни шахсий қизиқувчанликни идора қилишга ўргатиш, бу йўналишда махсус машқлардан, тренинглардан, тестлардан фойдаланиш келажакда уларда интуитивчанлик, кучлилик ҳислатлари шаклланишига ёрдам беради.

## Иккинчи тамойил — касб йўналишларини мониторинг қилиш

Мазкур тамойил таълим-тарбия йўналишига оид илғор илмий-амалий тажриба асосида 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда 5-6 та касбий йўналишга қизиқиш мониторингини таҳлил қилишга асосланган.

Бунда техника, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, компьютер технологиялари ва рақамли математикага оид ўқув-тарбия хоналарини махсус жиҳозлаш ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, кичкинтойларни ўзига жалб қилувчи маълумотлар, соҳа олимлари ва тарбиячилар ижодидан намуналар, мультфильм ва ўйинчоқлар билан тазминлаш яхши натижа беради.

Болалар бундай хоналарда неча соат шуғулланиши махсус электрон ахборот воситалари ёрдамида амалланади. Иил давомида — ҳар кун, ҳар ой ва ҳар чорақда тарбияланувчиларнинг касб-хўналарга қизиқиши ҳақидаги маълумотлар компьютерда қайд этиб борилади.

Боғчага янги келган гўдак 4-5 ой давомида барча касб хоналарига кириб, улар билан обдан танишади. Шундан сўнг у қайсидир хонада кўпроқ қолиб шуғуллана бошлайди. Бу унинг онгда ота-боболаридан мерос бўлиб ўтган ирсий ҳиссиётлар уйғона бошлаганидан далолатдир.

Яъни боладаги органик ҳиссиётлар ундаги касбга бўлган онгли қизиқишни шакллантиради.

Хуллас, мазкур жараёнларни кузатиш орқали боланинг касбий қизиқиши ҳақидаги маълумотлар жамланади. Ана шу маълумотлар социологик жиҳатдан таҳлил қилиниб, боғча маъмурияти томонидан ҳар бир болага тўрт йиллик таълим-тарбия давомида ўзи қизиққан касбий йўналишда неча соат шуғуллангани ҳақида махсус гувоҳнома берилади. Шу асосда гўдак тегишли касбий йўналишга ихтисослашган синфга қабул қилинади. Натижада мактабни битиргунга қадар ўзига ёққан касбни танлайди.

Бу ҳақда гап кетганда, умумтаълим мактаблари ўқув дастурига махсус ижод ва амалиёт сабоқлари, олий ўқув юртиларида эса ижод, амалиёт ва назарий дарсларни киритиш, касб йўналишига мос бўлмаган фан дастурларини эса қисқартириш лозимлигини таъкидлаш ўринлидир. Шундангина ўғил-қизларимиз ирсий ҳиссиётларига асосланган, ўз хоҳишига кўра, танланган касб бўйича билим ва амалиёт сирларини муқамал эгаллайди. Бундай ёшлар келгусида етук мутахассис бўлиб етишади.

Япониялик олим Масару Ибука ушбу амалиётнинг аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали аниқ исботлаб берган. Унга кўра, болалар онгидеги фаол қизиқувчанлик 3 ёшгача бўлган даврда 70-75 фоиз шаклланади. Ундан кейинги таълим-тарбия ишлари ривожланаётган бола онгига мазмун беришдан иборат бўлиши лозим.

Ушбу тарбия усулининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзи қизиққан касбий йўналишга кейинчалик ёқмай қолса, бола мактаб таълими жараёнида бошқа касб бўйича ўқишни давом эттириши мумкин. Қолаверса, бола тарбияси комплекс ендашув асосида бўлади. Ота-оналар ҳам фарзандларининг қизиқишига оид маълумотлар асосида уйда зарур шароит яратиб беради.

Ҳозир ҳам боғчаларда болаларни касбга йўналтирувчи машғулотлардан фойдаланилади. Аммо бунда умумийлик кузатилади, яъни барча болалар бир жойга жамланган ҳолда машғулот ўтказилади. Ҳар бир гўдақнинг тарбиячи жалб этаётган касбга қай даражада қизиқиши борлиги, унинг ирсияти ва бошқа муҳим омиллар деярли инобатга олинмайди. Аслида эса бу борадаги танловни гўдақнинг ўзига қўйиб бериш керак.

## Учинчи тамойил — болаларда касбий билимни тарбиялаш

Мактабгача ёшдаги болаларнинг касбий дидини тарбиялаш масаласи соҳа мутахассислари олдида қатор муҳим вазифалар қўяди. Масалан, ота-оналар ҳам, тарбиячилар ҳам бу борада инновацион услубий қўлланмалардан фойдаланиши талаб этилади. Шу боис, истеъдодли касбий усталари томонидан

уч ойлигидан етти ёшга тўлгунча қадар боланинг онги ва ақли шаклланишига хизмат қиладиган шеърлар асосида миллий клиплардан иборат 8 та тўплам яратилади. Ушбу антология тарбиячи ва ота-оналар учун ниҳоятда фойдалани мусиқий қўлланма вазифасини бажаради.

Музыка антологиясида мактабгача ёшдаги бола онгининг шаклланиш даври 7 фаслга бўлинади. Илк фасл ҳомиланинг она қорнидаги дастлабки ўз ойлик даврини ўз ичига олади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараёнда боланинг асаб тизими шаклланиши, сезги органлари ривожланади. Айнан шу даврдан бошлаб бола бўлажак ота-онасининг сокин ва бахтли ҳаёти ҳақида илк таассуротларга эга бўлади. Бу жараёнда мусиқий дуэт (суҳбатдан фойдаланиш, шукроналик руҳидаги қўшиқлар қуйлаш яхши натижа бериши мумкин.

Туртинчи тамойилда дунёнинг етакчи давлатларида мактабгача ёшдаги болаларни шарқона руҳда тарбиялаш борасида қўллаб қелинаётган инновацион таълим-тарбия усуллари акс эттирилган энциклопедия яратиб лозим. Зеро, бугунги кенг қамровли ислохотлар замирида ҳам асл миллий қадриятларимизни эъзозлаш, каттага хурмат, кичикка иззат кўрсатиш ва ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш орқали фаровон турмушга эришиш мақсади муҳимасан.


Ушбу энциклопедияда ривожланган мамлакатларда бола тарбиясига доир инновацион усуллар батафсил ва таҳлилий асосда ёритилади. Қадимги аждодларимизнинг фарзанд тарбиясидаги ютуқлари ҳамда зардуштийларнинг муқаддас “Авесто” китобидаги маърифий ғоялардан тортиб, бугунги замонавий таълим-тарбия усуллари билан боғлиқ маълумотлар ундан жой олиши лозим. Бу ўринда ривожланган давлатлардаги инновацион тарбия усуллари, она заминимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг ибратли ҳаёти ва жаҳон цивилизацияси ҳазинасига қўшган ҳиссасини акс эттиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратиш мақсада мувофиқ.

Қомусий болалар тарбиясига салбий таъсир қўрутувчи иллатларга бағишланган қисмида ижтимоий, оилавий ва касбга оид камчиликлар ҳамда иллатлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот бериш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, юқорида тилга олинган туртта инновацион тамойил мақомати мутахассислар томонидан қўллаб-қувватлаб, уларни амалиётга жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Қолаверса, “Ақлли боғча” лойиҳасига Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси берилган.

Ушбу муҳим ҳаётий лойиҳани мактабгача ёшдаги болалар камолоти йўлида қўллаш амалда катта самара бериши шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистоннинг келажакни бугунги ёш авлод яратяпти. Шундай экан, уларга замонавий таълим-тарбия бериш йўлида мана шундай илғор янгиликлар ва эзгу ғоялардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишимиз лозим.

## НУҚТАИ НАЗАР



**Садриддин ТУРАБЖОНОВ,**  
Тошкент давлат техника университети ректори, профессор

Бугунги илмий техника тараққиёти техник муҳандислар олдида янги талаблар қўймоқда. Зеро, техника ва технологияларнинг тез ривожланиб бориши муҳандисларнинг ҳам замонга мослашувини тақозо этмоқда. Шу ўринда ҳозирги муҳандислар олдида қандай вазифалар қўйилган ёки муҳандислик мактабиде қандай фазилатларга эга кадрлар тайёрланади, деган савол туғилиши

# БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН МУҲАНДИС халқимиз кўнглидаги жамиятни қуришда иштирок этади

Президентимиз бу йилги Мурожаатномасида олий таълимнинг техник соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратиб, кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил қилинишини таъкидлади. “Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон муҳандисларини тайёрлаш тизимини яратамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

табiiй, албатта. Энг аввало, сўзнинг маъносига эътибор қаратайлик. Муҳандис — муҳандислик фаолияти билан шуғулланувчи мутахассис маъносини аналтади. Шундай экан, муҳандислик мактаби битирувчилари ҳақида гапирганда жуда кенг билимга эга инсонлар тушунилади.

Муҳандислик мактаблари дастлаб XVI асрнинг иккинчи ярмида Нидерландияда, кейинчалик Англия, Пруссияда, XVIII асрнинг иккинчи ўн йиллигида Россияда юзага келган. Шунинг учун ҳам кўнча дунё деб аталмиш Европа мамлакатлари муҳандисларни тайёрлашда бой тарихий тажрибаси ҳамда айналарига эга. Президентимиз муҳандислик мактабларини ташкил қилиш деганда унинг битирувчилари қандай компетенцияларга эга бўлишини назарда

тутмоқда? Умуман, бугунги кун талабига жавоб берадиган муҳандис қандай бўлиши керак?

Бизнингча, бундай мутахассис математика, информатика ва механика соҳасида кенг ва чуқур фундаментал, амалий билимларга эга бўлиши шарт. Зеро, муҳандис ўз фаолиятида фундаментал ва амалий фанларга таянган янгидан-янги ихтироларга қўл уради. Натижаларни таҳлил қила олиш ва хулосалар бўйича кейинги фаолиятини тўғри режалаштиришга ёрдам беради, тизимли тафаккурга эгаллик, одамлар билан ўзаро муносабатларда ностандарт вазифаларни ҳал қила олиш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарликка тайёрлик ҳамда мураккаб муҳандислик фаолиятига қодирлик навбатдаги фазилатлардир.

Муҳандис учун муаммоларни кўра олиш ва ечим топиш, мақсад қўйиш, вазифаларни шакллантириш, ўзгаришларга тез ва сезиларли мослашувчанлик, ноаниқлик ҳамда чекланган маълумотлар шароитида ишлаш олиш лаёқати ҳам жуда муҳим. Зотан, қизиқиши, ўзини ўзи тарбиялаш, ривожлантириш истаги кучли бўлган инсонлар ҳақиқий маънодаги ҳозирги кун муҳандисларидир.

Бундай мутахассислар, қоида тариқасида, муҳандислик предмети бўлган техник қурилмаларнинг зарур барча жабҳадаги, жумладан, амалий тадқиқотлар, режалаштириш, лойиҳалаш, қуриш, ишлаб чиқариш технологияси (тузилмалар) ни ишлаб чиқиш, техник ҳужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ишга тушириш, синовдан ўтказиш, ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш жараёнини тўлиқ ўзлаштириш бўлиши керак. Муҳандислик мактабларига эга давлатлар мутахассисларнинг иш жараёнида бажариши зарур бўлган вазифа ва мажбуриятларига назар ташласак, улар талайгина эканига гувоҳ бўламиз. Жумладан, компьютер технологиялари, алоқа

ва коммуникациялардан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаш, қурилиш, ахборот хизматлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат ва бошқарув, метрологик таъминот, техник назорат ва бошқалар бўйича илмий-техник фаолият соҳасига доир ишларни бажаради. Услубий-мезърий, техник ҳужжатларни, шунингдек, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича тақлиф ҳамда чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади. Корхона (ва корхона бўлиммалари)нинг илмий тадқиқот, лойиҳа ва дастурларини ишлаб чиқиш, усқуналарни синовдан ўтказиш ҳамда ишга тушириш билан боғлиқ ишларни қилиш, шунингдек, техник восита, тизим, жараён, усқуна ва материалларни стандартлаштириш бўйича вазифаларни бажаришда иштирок этади. Ахборот, техник маълумот, иш кўрсаткичлари ва натижаларни ўрганади, таҳлил қилади. Уларни умумлаштириши, тизимлаштириши. Замонавий электрон ҳисоблаш усқуналари ёрдамида зарур ҳисоб-китобларни бажаради. Энди савол қўямиз: бизнинг муҳандислар ана шу стандартларга тўлиқ жавоб берадими? Тўлиқ “ха” деб жавоб бериш бир оз мураккаб.

Шунинг учун Ўзбекистон индустриал мамлакатга айлиб бораётган бир шароитда давлатимиз раҳбарининг муҳандислик мактабларини ташкил этиш гоёси мазмун-моҳияти билан ўта муҳим. Бу концепцияни рўёбга чиқаришда барча техника олий таълим муассасалари масъулиятини зиммасига олиб, ҳамжиҳат ишлаши ташаббуснинг ҳаётимиздаги самарасини тезлаштириши.

## ТАФАККУР САРҲАДЛАРИ



Ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



# КИТОБХОНЛИКДАН МАҚСАД ЭРТАНГИ АВЛОД КАМОЛОТИ

Бошланиши 1-бетда

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда китобхонликни ривожлантириш, ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Мутолаага бундай эътибор давр талабими ёки халқимизда руҳий бир эҳтиёж туғилгани сабабми? Бир ижодкор сифатида бунга қандай баҳо берган бўлар эдингиз?

— Гапни саволингизнинг мутолаага эҳтиёж ҳақидаги қисмидан бошласак. Ҳар бир халқнинг авлодлардан авлодларга узатадиган руҳий ва ақлий бойлигини, қалбни, комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги орзуларини китобларгина вақт чигиринларидан олиб ўтади. Демак, мутолаага эҳтиёж эраимиздан олдинги минг йилликлардан то ҳозиргача яшаб келаяпти ва қиёматга қадар одамзод шу эҳтиёжни туйишига ишончим комил. Яратилган тош битиклар, Шарқу Фарбнинг антик адабиёти, "Авесто" ва "Рамайна", "Қобунома" ва "Қалила ва Димна"дан тортиб "Турғули"ю "Алпоммиш"гача, бугунги адабиётгача ана шу руҳий-маънавий эҳтиёжнинг ҳосиласи.

Шундай даврлар ва салтанатлар бўладики, адабиётга, китобга, маърифатга эҳтиёжни қондириш, келажак авлодни олий инсоний фазилатлар билан тарбиялаш бош мақсадга айланади. Натижада инсоният тафаккури буюк мўъжизалар яратди. Бунинг исботи учун Шарқу Фарб Ренессанслари даврини ёдга олиш kifоя.

Энди мамлакатимизда адабиётни, китобхонликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида саъй-ҳаракатлар қилинаётгани моҳиятига назар ташласак. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмайди. Ҳозирги даврда дегарли ҳеч қайси мамлакатда давлат томонидан китобхонликни ривожлантириш, деган гап йўқ. Китоб чиқариш, китобхонлик кечалари, конкурслар, адабий фестиваллар ўтказиш, ёзувчиларни рағбатлантириш турли ихтиёрий уюшмалар, ижодий фондлар томонидан ташкил қилинади, бунинг учун давлат раҳбарлари қарорлар, фармонлар чиқариб, дастурлар қабул қилиб жон куйдириб эتماйди.

Мушоҳада қилиб кўрайлик, нега бизда кейинги йилларда адабиётга, ижодкорларга, китобхонликни, кутубхоналарни ривожлантиришга эътибор кучайди? Нега бу соҳаларга доир қатор фармонлар, қарорлар чиқарилди? Нега Алишер Навоий бобомиз ва у кишининг атрофида улуг ёзувчи-шоирларимиз ҳайкалларида иборат Адиллар хиббони ташкил қилинди? Нега Ёзувчилар уюшмасига бино тўхфа этилди? Нега турнақатор китоб карвонлари кишлогу овулларга йўл олмақда? Нега кўп китоб ўқиганга машина берилаяпти? Ниҳоят, нега 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди?

Жавоб битта — миллиятнинг, инсоннинг мутолаа эҳтиёжи давлат эҳтиёжи даражасига кўтарилиди, мамлакатнинг ривожланиши, орзу қилаётганимиз — Учунчи Ренессанс бунёдкори бўлиши ёш авлоднинг қалби китобларимиз қатиди келаятган олий қадриятларимиз, инсоний фазилатларимиз билан тарбия топиши бош мақсад қилинди.

Чунки ўтган аср охири ва XXI аср бошига келиб, фантастик асарлардаги хаёлларни ҳам орта қолдириб кетадиган шундай техник ихтиролар қилиндики, улар инсониятнинг ўз-ўзи ва дунё билан мулоқотидидаги маромни, мувозанатни бузиб юборди. Аввал йўлдош телевидение, сўнгра интернет, мобил алоқа воситалари имкониятлари ва улардаги маълумотлар тезлиги қалб тарбияси борасидаги устозликни китоб мутолаасидан тортиб олди. Инсоннинг тин олишига, тафаккур этишига, ўз қалбида кеңаятган ҳиссиётларини мушоҳада қилишига ўрин ҳам, фурсат ҳам қолдирмайдиган шиддатли ҳаёт маромини яратди. Боз устига, бу шиддатли қўн қалб ва руҳиятнинг асрлар давомида шаклланиган азгулик, раҳмдиллик, меҳру вафо, гўзалликка ошурталлик, ҳалоллик, садоқат, ҳаё ва одоб каби бойликларини одамзод қониди муҳрадан кўзага солиб ташланган жин каби оқиб юрадиган жаҳолат, шафқатсизлик, бераҳмлик, очкўзлик ва худбинлик каби иллатлар лашкарига талон қилдира бошлади. "Оммавий маданият"нинг миёна фикрлашдан, қалбни ҳис-туйғулардан "озод" қилдиган жозибаси, "хаётдан лаззатланиб қол" ақида-сини ёш авлоднинг "дастури"га айлантирилаётгани инсонни ўзгартирмақда.

Зоҳиран одамзод тараққиётнинг минглаб йилларини сўнгги ўттиз-қирқ йил фурсатда босиб ўтгандек, аммо ботинига назар ташласангиз, инсон ўша-ўша — милoddan аввалги VIII-VII асрларда яратилган "Илиада"дагидек, ўрта асрларда ёзилган "Фарҳод ва Ширин", "Гамлет"дагидек, XX асрда ёзилган "Қиёмат" ёки "Ҳажим ва Ажал"дагидек қалб азгулик ва ёвузлик тимсоли бўлиши Ахурамазда ва Ахриман ўртасида таллош ҳолда турибди. Бу курашда адабиётгина, унинг ташу-



чиси бўлиши китобгина Ахурамазда вазифасини ўташи, қалбни қаттиқлашувдан, эзу туйғулардан мосуво бўлмашидан асраб қолиши мумкин.

Ушбу ҳақиқатларни англаган ҳолда, давлатимиз адабиётни, китобхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганининг сабаблари ана шулар деб ўйлайман. Кўни кеча Президентимиз Муржоатномасидаги "Наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда", деган даъватнинг моҳиятида ҳам ушбу мақсадлар ётгани шубҳасиз.

— Юқорида тилга олганингиз — 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурида белгилаб берилган, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти номояндларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш сингари вазифалар кўнгилдагидай бажарилаяпти, деб айта олсангиз?

— Ушбу миллий дастурдаги вазифаларга эътибор берсангиз, бугунги ва эртанги инсоннинг маънавий олами учун қайғураётган ҳар бир зиёлининг юрагидида истакни ўқигандек бўласиз. Кутулаётган натижалар, адабиётни, китобхонликни ривожлантириш эса бир ташкилот ёки тузилмага эмас, балки ҳар бир миллатдошимизга боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиласиз. Шунинг учун ҳам Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, республика телевидениеси ва бошқа тузилмалар дастур ижрочилари сафида турибди. Мана, ушбу дастурда белгиланган муддатнинг қарийиб ярми ўтди. Шу давр ичида қилинган ишларга назар ташлайдиган бўлсангиз, санаб, таърифлаб

**КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АВВАЛО, ЁЗУВЧИ-ШОИР БИЛАН КИТОБХОННИНГ ЮЗМА-ЮЗ БЎЛИШИДАН, ИЖОДКОР ВА ЎҚУВЧИНИНГ ҚАЛБИДАГИ ТУЙҒУЛАР, ҒАМ ВА ШОДЛИКЛАР ҲАМОҲАНГЛИгини ҲИС ҚИЛИШДАН БОШЛАНАДИ. БУНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР, ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ДЕЙМИЗМИ, ФАРҚИ ЙЎҚ.**

адоғига ета олмайсиз. Аввало, дастур ижроси халқимиз, айниқса, ёшларнинг ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш билан олиб борилаётгани манун қилади кишини. Давлатимиз раҳбари томонидан рағбатлантирилган "Китобхонлар танлови" аънаёнага айланди. "Энг яхши китобхон худуд", "Энг яхши китобхон маҳалла", "Энг яхши китобхон таълим муассасаси", "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон талаба", "Энг яхши китобхон ўқувчи" каби қатор танловларнинг ҳар бири вазирилқда, ҳар бир ташкилот, маҳалладан тортиб, мактабгача ўтказилаётгани, рағбатлантирилаётгани миллионлаб китобхонларни қамраб олди. Бир ижодкор сифатида шундай танловларда ҳақамлик қилиш мубайнади умуман, адабиётдан йироқ бўлган соҳалар ичида ҳам дунё ва ўзбек адабиётининг билимдонлари борлигини, пайдо бўлаётганини кўриб қўвондим.

Китобхонлик маданиятини ривожлантириш, аввало, ёзувчи-шоир билан китобхоннинг юзма-юз бўлишидан, ижодкор ва ўқувчининг қалбиди туйғулар, ғам ва шодликлар ҳамоҳанглигини ҳис қилишдан бошланади. Бунинг маънавий-маърифий тадбир, ижодий учрашув деймизми, фарқи йўқ. Бундай юзма-юз мулоқотларда китоб танлай

олиш, ўқиш маданияти, китоб қаҳрамонлари ҳақидаги баҳслар, шеър дostonлар ёзилиш жараёни ва сабаблари, китоблар инсон тақдирини ўзгартириб юбориши ҳақидаги савол-жавоблар китобдан узоқлашган ўқувчини китобга қайтарди, меҳр уйғотди. Бу гапларни айтаётганимнинг боиси, ана шу миллий дастур доирасида Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоир ва ёзувчиларнинг китобхонлар билан мулоқоти нақадар самарали бўлганини таъкидламоқчиман.

— Уюшма томонидан ўтказилган китобхонлик билан боғлиқ тадбирлар салмоғини аниқроқ, яъни рақамларда келтирсангиз бўладики?

— Китобхонлик тарғиб қилувчи бундай учрашувларнинг аҳамияти ва салмоғини тасаввур қилиш учун 2022 йил давомида уюшма ва унинг худудий бўлимлари томонидан 1036 дан зиёд маданий-маърифий тадбир ўтказилгани, 119 нафар ёзувчи ва шоирнинг таваллуд саналари нуносабати билан бўлиб ўтган ижодий ва хотира кечалари, ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасаларида ташкил этилган 50 мингга яқин маънавий-маърифий, тарғибот тадбирида 420 нафар ижодкор иштирок этганини кўз ўнгимизга келтиришнинг ўзи kifоя.

Албатта, ушбу саъй-ҳаракатлар ортида ўқувчининг қўлига китоб етиб бораётгани, унинг китоб жавабиди китоб борми, қандай китоблар бор, деган асосий савол туради. Шунинг учун ҳам "аҳоли, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадий-эстетик талабларига жавоб берадиган китоблари юксак сифат билан чоп этиш" вази-фаси миллий дастур устувор йўналишларининг биринчи сатрига ёзиб қўйилган. Давлат ва хусусий наشريётлар томонидан мумтоз ҳамда замонавий адабиётимиз намуналари тинимсиз чоп этилаётганидан мамнун бўласан киши. Айниқса, "Рус адабиёти дурдоналари" 100 жилдиги, 1010 нафар муаллифни қамраб олган 100 жилдди



қўли заруратини, "фойда"сини ҳис қилдирадиган аниқ сабаб керак. Шунинг учун ёшларда китоб мутолаасига эҳтиёж, зарурат ва мажбурият вазиятини яратиб лозим. Бунинг ягона йўли сифатида тақлиф қилардимки, йўналишидан қатъи назар, барча олий ўқув юртиларига кириш учун синов тестлари топиришдан олдин ишро ёзиш имтиҳонини жорий қилиш зарур. Бу туйғули юзага келадиган табиий ташвишлар, харажатлар маънавий жиҳатдан, эртанги кун нуктаи назаридан ўзини оқлайди. Чунки иншо имтиҳонига тайёрланиш мактаб давридан бадий китоб ўқиб бориши, доимий мутолаани тақозо қилади. Қолаверса, иншо мустақил фикрлаш, ёзма нутқ ўқималарини шакллантиради, саводхонликни ўстиради. Бу эса, ишончим комилки, миллий дастурдан кутулаётган "ёшларнинг маданий саводхонлиги ўши орқали инсон капитали сифатини яхшилашга эришилади", деган натижани беради.

— "Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозир эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ керак", деган эди буюқлардан бири. Дарҳақиқат, бугун китоблар сон-саноксиз. Ёшларга, бугуннинг тили билан айтганда, мотивация бера оладиган китоблар сифатида қайси асарларни тилга олган бўлардингиз?

— Мотивация бериш, деган ибора бугун урф бўлди. Шу учун наشريётлар бой бўлиш, ишбилармонликда муваффақиятга олиб борушни йўл

Ёзувчилар уюшмаси амалга ошираётган ишларга нафақат кексаю ёш китобхонларимиз, хориждан келган меҳмонлар ҳам ҳайрат билан қарамоқда. Уюшманинг 2022 йил ҳисоботидаги бу рақамлар ҳайратлар бежиз эмаслигидан далолат беради: "Йил давомида "Китоб акцияси" лойиҳаси доирасида "Маҳалла" хайрия жамоат фондида 4 075 та, таълим муассасаларида 113 557 та, Меҳрибонлик ва Саҳоват уйларида 6 221 та, ҳарбий қисмлар кутубхоналарига 18 871 та, маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларга 9 188 та, қўшни республикаларга 5 066 та, тадбир иштирокчилари, китоб муаллифлари ва "Китоб уйчалари"га 59 479 та, шунингдек, "Биринчи китобим" лойиҳасида чоп этилган китоблардан Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонага 25 125 та ва уюшманинг худудий бўлимларига 2 850 та, жами 244 432 дондан ортик китоблар текин тарқатилди".

Шу ерда саволингизнинг "вазифалар кўнгилдагидай бажарилган, деб айта олсангизми?" деган қисмига тўхталсам. Вазифалар баҳоли дугарат бажарилаяпти, телевидение-радиога китоб тарғиб этувчи курсатувлар сезиларли қўлайган, китоблар чоп этиляпти, таржима қилинапти, кутубхоналарда, институт, мактабларда электрон китоблар базалари яратилаяпти, аммо ёшларимиз ўртасида бадий китоб мутолаасидан кўнгил тўламайди, бунинг оқиш айтиш керак. Узимга ҳамиша улар биз хоҳлагандай кўп ва ҳўб ўқиятими, деган саволни бераман.

Адабиётни, китобхонликка қизиққан, танловларда қатнашаётган бир қисм ёшларни назарда тутиб "ўқияпти" деб жавоб беришдан олдин, очик тан олиш керакики, бугунги дунёқараш "Китоб ўқишдан менга нима фойда?" деган саволни кўяди. Бу "фойда" дегани "менга қаерда керак бўлади?" дегани. "Маънавиятнинг юксалиди, дунёқарашнинг кенгайди" ва ҳоказо маърифий жавоблар уни қонқитирмайди. Уни келажакдаги ҳаётини ниятларини амалга ошириш учун китоб

**ШУНДАЙ ДАВРЛАР ВА САЛТАНАТЛАР БЎЛАДИКИ, АДАБИЁТГА, КИТОБГА, МАЪРИФАТГА ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ, КЕЛАЖАК АВЛОДНИ ОЛИЙ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР БИЛАН ТАРБИЯЛАШ БОШ МАҚСАДГА АЙLANADI. НАТИЖАДА ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИ БУЮК МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТАДИ. БУНИНГ ИСБОТИ УЧУН ШАРҚУ ФАРБ РЕНЕССАНСЛАРИ ДАВРИНИ ЁДГА ОЛИШ KИFOЯ.**

лар, ҳаракатга ундоғчи психологик қўлланмалар, ҳаётдаги қийин вазиятлардан чиқишга ўргатувчи, таскин берувчи енгил бадий асарлар чиқаришга ружу қўйган. Албатта, улар бунинг бозор ва талаб, деб оқлашади. "Иуқ, биз бозорга яхши китоб чиқаришимиз ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Инсоннинг руҳига қувват бера оладиган, қалбни поқлайдиган, ўзига ишонч уйғотадиган, улуг мақсадлар билан яшашга ундайдиган восита фақат юксак бадий асардир. "Алпоммиш" инсоннинг руҳига қанот бермайдими, "Фарҳод ва Ширин" қалбни тарбияламайдими? "Мартин Иден" қийинчиликларни енгиб ўтишга куч бағишламайдими, "Гамлет", "Отелло" ор-номус, инсонийликдан сабоқ улашмайдими, "Кеча ва кундуз" миллатни қандай севишни кўнгилга жойламайдими? Дўқонлардан мотивация берадиган китобни қилдираётган ҳар бир ёшдан шу китобларни бошдан охиригача ўқиб чиққанмисиз, деб сўрагим келади.

Гап бадий адабиётнинг мотивация бериши ҳақида экан, кўп йиллар олдинги бир воқеани ҳам эсламасам бўлмас. Олий ўқув юртининг бирига Ҳалима Худойбердиева, Қоқоқбой Йўлдошев билан учрашувга бордик. Ҳалима опа шеър ўқиди. Навбат савол-жавобларга келганда, залнинг четиди ўтирган бир аёл ўрнидан туриб, бир оғиз гапим бор, майлими, деб сўради. Унинг овози жуда маънос эди. Яқинроқ келди, кўзлариди мунг, қўлида Ҳалима оланинг китоби. Аёл китобни кўрсатиб: "Сизни эшитиб қилқокдан келдим, мана шу китобдаги шеърлар мени ўн етти йилдан буюн ўлимдан асраб келади. Кўнгилм бўлмаган одамга турмушга беришган. Оилавий ҳаётим дўзахнинг ўзи. Ҳар кеча ўзимни ўлдирмоқда қасд қиламан, сўнгра сиз билан охириги марта гаплашиш, хайрлашиш учун шеърларингизни ўқийман, сиздаги улкан дардини ва бардошни кўраман, яна ҳаётга қайтаман. Юрагим ором олади, умидларим қайтадан уйғонади. Шунча йилдан буюн китобингизни ёстигим остига қўйиб ётаман. Сиз мени тирик сақлаб келсангиз. Раҳмат сизга!" деди. Томчида олам ақ этгандай ана шу мисолнинг ўзиданоқ ҳақиқий, юксак адабиётнинг қудратини кўриш, инсон қалби мудоом адабиётга талпинишининг сабабларини мушоҳада қилиш мумкин.

Китоб тавсия қилишда, китоб танлашда ёрдам берадиган яна бир муҳим восита борлигини ёшларга эслатишим келади, бу — адабий-бадий наشرлар. "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти", "Тафаккур", "Ешлик" журналлари, "Адабиёт ва санъат" газетасини адабий жараёнинг кўзгу-си, деб бежиз айтишмайди. Эртага китоб бўлиб ўқувчиға етиб борадиган асарият мумтоз ва замонавий адабиётлар, аввало, ушбу наشرларда дунё юзини кўради. Журналлардаги асарларни, шоир-ёзувчилар ва мунаққидлар мақолаларини ўқиш билан ҳам қайси асар ўқишга арзийди, қайси асарни ўқимасам ҳам бўлади, ҳулоса қилса бўлади. Шу кеча-кундузда 90 йиллигини нишонлаётган "Шарқ юлдузи"ни бир асрик ўзбек адабиётининг захинаси, солномаси, ойнаси дейиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, миллий дастурда белгиланган китобхонликни ривожлантириш борасидаги вазифаларни бажаришда бу наشرларнинг ҳам хизмати беқийс.

**"Янги Ўзбекистон" муҳбири Муножат МҶМИНОВА сўхбатлашди.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1264.  
80849 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов  
Мусаҳҳач: Шероод Махмудов  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА қуна — 21:25 Тошхириди — 23:20